



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ФАОЛИЯТИ

Пайзуллаев Аъзамжон Ҳайитбой ўғли

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти мутахассислиги
309-гуруҳ курсанти*

Аннотация: профилактика инспекторларининг маҳалла фуқаролар йигини раислари билан ҳамкорликни ташкил этиши фаолиятини тартибга солиш ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан асослашдан иборат.

Калит Сўзлар: профилактика инспектори, маҳалла фуқаролар йигини, ҳамкорлик, амалга оширилган ишлар.

Мамлакатимизда фуқароларнинг тинч ва фаровон хаёт кечиришини таъминлаш, хуқуқбузарликларнинг барвакт профилактикасини амалга ошириш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида бир қанча салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда профилактика инспекторларининг хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги натижасида хуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ёшларнинг бўш вақтларини унумли ташкил этиши, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган нотинч оиласардаги маънавий-руҳий муҳитни соғломлаштириш борасида давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда профилактик чоралар кўрилмоқда.

Профилактика хизматларининг хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш фаолиятини маҳалла фуқаролар йигини ҳамда уларнинг қошида ташкил этилган жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигисиз тасаввур этиш қийин.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фуқароларнинг маҳалла фуқаролар йигинитомонидан жамоат тартибини саклаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш борасида уларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Маҳалла фуқаролар йигини профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда, илгари судланган, спиртли ичимликка ружу қўйган, гиёҳвандлик касалига мубтало бўлган, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи, енгил табиатли аёллар ва фоҳишалар, вояга етмаганлар хуқуқбузарликлари, диний экстремистик оқимга мансуб ёки хайриҳо бўлган шахслар, кам таъминланган оиласар сони ва уларнинг турмуш тарзини аниқлаш бўйича қатор вазифаларни амалга оширади. Шунингдек, фуқаролар йигини хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги, оиласада маънавий-ахлоқий муҳитни



шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чоратадбирларни ҳам амалга ошириши назарда тутилади.

Маҳалла фуқаролар йиғини ижтимоий шериклигини янада кенгайтириш борасида амалга оширилган тизимли комплекс чора-тадбирлар натижасида профилактика инспекторининг аҳоли тинчлигини туну кун таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларнинг хуқуқий фаоллигини ошириш борасидаги фаолиятини ташкил этишда фуқароларнинг маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорлиги ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Жамиятда қайси соҳа бўлмасин унинг фаолияти таҳлил этилмаса, ундаги муаммо ва камчиликлар аниқланиб бартараф этиш чоралари кўрилмаса, соҳани ривожлантириб бўлмайди ва натижада фаолиятида унум бўлмайди. Шу муносабат билан бугунги кунда ички ишлар органлари тизимларида профилактика инспекторларининг маҳалла фуқаролар йиғини ва жамоатчилик олдида ҳисобот бериб бориш тизими яратилди.

Бугунги кунда маҳалла институтини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятига давлат органларининг аралашувига чек қўйилди.

Ислоҳотларнинг бугунги босқичида маҳалланинг мавқеини тубдан ошириш, тизим иш фаолиятини самарали ташкил этиш, уни том маънода халқчил тузилмаган айлантиришга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар амалга оширилди, бунинг натижасида бугунги кунда маҳалла гузари - одамлар шунчаки келиб кетадиган идора эмас, балки аҳолини илоҳотларга сафарбар этадиган, жамиятнинг барча қатламларини изчил ҳаракатга келтирадиган фаол ижтимоий тузилмага айланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон Фармони ва 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4602-сон қарори шулар жумласидандир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, фармонда шу ҳудудга бириктирилган профилактика (катта) инспекторлари маҳалла фуқаролар йиғини раисининг хукуқтарибот масалалари бўйича ўринбосари лавозимига тенглаштирилди. Бу тартиб ўз навбатида профилактика (катта) инспекторларининг фуқароларнинг маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Шунингдек, мазкур Фармонда маҳалланинг мустақил фаолият юритишини янада яхшилаш ва такомиллаштиришни асосий мақсад этиб белгиланди ва уни қабул қилинишида қуйидаги муаммо ҳамда камчиликларни бартараф этиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди:



биринчидан, фуқаролар йиғинларига хос бўлмаган функцияларнинг уларга юклатилиши;

иккинчидан, маҳалланинг қуи идоралар билан тизимли ҳамкорлигининг йўлга қўйилмаганлиги;

учинчидан, оила, хотин-қизлар ва кексаларга ёрдам кўрсатишнинг яхлит тизими мавжуд эмаслиги;

тўртинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар самарали натижа бермаётганлиги;

бешинчидан, юқоридаги камчиликлар жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ва қонун устуворлигини таъминлашга салбий тасир кўрсатаётганлиги.

Дарҳақиқат, ушбу камчиликларни бартараф этиш профилактика (катта) инспекторининг фуқароларнинг маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорлигини янада такомиллаштиришга хизмат қиласди, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасида амалга оширилган ишларни мунтазам таҳлил этиб бориш, уларга баҳо бериш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Шу боисдан, профилактика (катта) инспекторининг ҳуқуқбузарликларни олдини олишда фуқароларнинг маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорлигини мунтазам таҳлил этиш, уларнинг аниқ йўналишларини белгилаб олиш, такомиллаштириш чораларини кўриш муҳим аҳамият касб этади.

Профилактика (катта) инспектори фуқароларнинг маҳалла фуқаролар йиғини билан худуддаги қriminogen вазиятни ўрганишлари, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек, биргаликда фуқароларнинг хушёrlигини оширишга қаратилган тадбирларни олиб боришлари фаолияти самарадорлигини оширади.

Хулоса қиладиган бўлсак, ҳуқуқбузарлик жамият ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи ижтимоий-ҳуқуқий ва руҳий ҳодиса бўлиб, бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жиноятчиликка қарши курашишда бош йўналишга айланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиши чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5938-сон Фармони.



2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4602-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Жамоат хавфизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга қўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли // URL:<http://www.lex.uz>.

4. Шавкат Мирзиёев “Ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифалар”га бағишлиланган йиғилишдаги маърузаси.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида” ги қонуни.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 марта даги “Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли фармони.

8. // URL:<http://www.lex.uz>.

9. // <http://norma.uz>